

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Олий суд
хузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг
худудий бўлимлари ходимларининг касб ва одоб-ахлоқ
ҚОИДАЛАРИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Суд ходими давлат хизматчиси сифатида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига кўра, суд олдига қўйилган вазифаларни бажаришда иштирок этади.

Шу муносабат билан ҳар бир суд ходими:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси суд ҳокимияти фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилашини, унинг меҳнати жараёнида таъсир объекти сифатида инсон (унинг шаъни, кадр-қиммати, эркинлиги, соғлиғи ва бошқалар) ва жамият (унинг маънавий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари ва бошқалар) эканлигини англаб етиши;

суд ҳокимияти обрўсини мустаҳкамлашга, ижтимоий онгда судга, суд қарорларига нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишида, жамиятда суднинг одиллиги, холислиги ва мустақиллигига ишонч қарор топишида кўмаклашиши шарт.

Ҳар бир суд ходими ўзининг давлат, жамият, фуқаролар олдида жавобгарлигини ҳис этиши ҳамда унга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилиши шарт.

1.2. Мазкур Қоидалар суд ходими билан меҳнат шартномаси тузилган пайтдан бошлаб меҳнат шартларининг таркибий қисми ҳисобланади.

II. СУД ХОДИМИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Ҳар бир суд ходими ўз хизмат фаолиятида ва хизмат доирасидан ташқарида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя қилиши, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, унинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Олий суд раисининг буйруқлари ва фармойишларига, мазкур Қоидаларда белгиланган юриш-туриш қоидаларига амал қилиши шарт.

2.2. Суд ходими хизмат вазифалари билан боғлиқ ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган чеклашлар ва тақиқларга риоя этиши шарт.

2.3. Суд ходими ҳар қандай вазиятда ҳам ўз кадр-қимматини сақлаши, ўз шаънини қадрлаши, суд ҳокимияти нуфузини тушириши, суднинг обрўсига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар бир нарсадан ўзини тийиши шарт.

2.4. Суд ходими шахсий, оилавий, ижтимоий ёки бошқа муносабатлар унинг хизматдаги хулқ-атвориға, у томонидан қабул қилинаётган қарорларға таъсир этишиға йўл қўймаслиги керак.

2.5. Суд ходими ўз хизмат мавқеидан шахсий фойда олиш ёки бошқа шахслар манфаатини қаноатлантириш мақсадида фойдаланиши мумкин эмас.

2.6. Суд ходимига хизмат вазифасини бажариш муносабати билан боғлиқ равишда жисмоний ва юридик шахсларни совға (совғалар, пул мукофотлари, ссудалар, хизматлар, транспорт харажатлари, дам олиш, кўнгил очар тадбирларни тўлови ва бошқа мукофотлар) беришға ундаш, улардан совға олиш ёки олишға розилик билдириш таъқиқланади, башарти, совға берувчи суд ходимини моддий рағбатлантириш орқали бевосита ёки билвосита наф кўришдан манфаатдор эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлса.

2.7. Суд ходими ўзи ишлаётган судда учинчи шахсларнинг ишлари бўйича вакил бўлиш ҳуқуқиға эға эмас. Суд ходими ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ҳуқуқиға эға эмас, бироқ хизмат вазифаси доирасида расмий сўровларға жавоб бериши лозим.

2.8. Суд ходими мазкур Қоидалар билан белгиланган чекловларға риоя этиши, тақиқларни бузмаслиги, хизмат вақтида қоидаларига нисбатан қўйилган мажбуриятлар ва талабларни бажариши, жамиятда мавжуд ахлоқ-одоб қоидаларини ҳурмат қилиши ва уларға шахсан риоя этиши лозим.

2.9. Суд ходими уни этика қоидаларини бузишға оғдириш учун қилинган ҳар қандай ҳаракатлар ҳақида бевосита раҳбариятини хабардор қилиши лозим.

III. СУД ХОДИМИГА ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШ ВАҚТИДА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

3.1. Суд ходими ўз хизмат вазифаларини мансаб йўриқномасига мувофиқ юқори профессионал даражада ҳалол ва виждонан бажариши лозим. У хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ муайян вазифаларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиши, бунда мустақиллик, юқори даражада ташкилотчилик, талабчанлик ва принципиаллик намоён этиши керак.

3.2. Суд ходими вазифасига нисбатан содиқлик ва масъулиятлилик, интизомлилик, ижрочилик ва меҳнатсеварлиги билан ажратиб туриши лозим.

Ҳар бир суд ходими ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этиши ва иш вақтидан унумли фойдаланиши шарт.

3.3. Суд ходими тегишли раҳбарларнинг ўз ваколатлари доирасида берган қонуний топшириқларини бажариши шарт.

3.4. Суд ходими ишларни судьялар томонидан кўриб чиқиш жараёниға таъсир этиши ёки таъсир этишға уриниши, шунингдек, иш жараёнида иштирок этаётган тарафлардан бирон-бири ёки адвокатлар учун қулайлик яратиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этиши ёхуд бунинг имконияти борлиги ҳақида таассурот уйғотиши мумкин эмас.

3.5. Суд ходими шуни эслаб қолиши керакки, судга мурожаат қилаётган ҳар бир шахс унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни, ёрдам ва эътибор билан хизмат кўрсатишни талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролар, суд мажлиси иштирокчилари, судьялар ва ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида суд ходими юзида хушмуомалалик ифодаси бўлиши, овоз оҳангини бир маромда, вазмин ушлаши, ортиқча қўл ҳаракатларидан сақланиши, ўзга шахсинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган бошқа агрессив ҳаракатлардан тийилиши лозим.

3.6. Суд ходимлари судьяга лозим даражада ҳурмат билдиришлари ва суд процесси давомида “Ҳурматли судья” деб, бошқа вақтда эса, исми ва отасининг исми бўйича мурожаат қилишлари лозим.

3.7. Суд ходимининг ташқи қиёфаси ораста бўлиши, фамилияси ва исми акс эттирилган бейджик (ёзув) тақиб юриши шарт.

3.8. Суд ходими иш юзасидан телефон орқали қилинган қўнғироқни саломлашган ҳолда ва идорасининг номи, ўзининг эгаллаб турган лавозими, исми, фамилияси ва отасининг исми ҳақидаги сўзлардан бошлашга мажбурдир.

Суд ходими томонидан телефон орқали берилаётган маълумот максимал даражада қисқа ва лўнда бўлиши, бунда хизмат сири ва хизматда фойдаланишга оид маълумотларни ошқор қилмасликни назарда тутиш лозим. Телефон тармоғини узоқ вақт давомида, яъни ҳужжатларни кўздан кечириш, ҳамкасблар билан маслаҳатлашиш ёки компьютердан маълумот излаш орқали банд қилишга йўл қўйилмайди. Зарурат туғилганда, суд ходими сўралаётган маълумотни тайёрлаб олгандан сўнг қайта қўнғироқ қилиш керак бўлади.

3.9. Ҳар бир суд ходими ўзига юклатилган вазифаларини бажаришга оид фаолиятини оқилона ташкил қилишга ва иш ўрнини тартибли сақлашга жавобгар бўлиб, хизмат ҳужжатлари билан ишлашда белгиланган қоидаларга риоя қилиши шарт.

3.10. Суд ходимлари давлат мулкни, шу жумладан, уларга хизмат вазифаларини бажариш учун берилган мулкни асрашлари, ташкилий-техника воситаларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари, сарфланадиган материалларни тежаб ишлатишлари, хизмат тақозоси бўлмаганда, шаҳарлараро ва маҳаллий телефон сўзлашувлари олиб борилишига йўл қўймасликлари, моддий қимматликлар ва бошқа моддий ресурсларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланишда ўрнатилган тартиб-қоидага амал қилишлари шарт.

3.11. Суд ходимларига судга тегишли бўлган мулк, ҳужжатлар, нарсалар ёки материалларни тегишли рухсатсиз суд биносидан олиб чиқиш тақиқланади.

3.12. Суд ходими меҳнат таътилига ёки хизмат сафарига чиқишдан олдин қуйидагиларга мажбур:

иш ўрни, ихтиёрида бўлган ташкилий-техника воситалари ҳамда бошқа моддий қимматликларни тегишли тарзда қолдиришга;

ижро этилмаган ҳужжатларни ўзидан юқори турувчи раҳбарга бошқа ижрочига топширишни ҳал қилиш учун беришга.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда, хизмат гувоҳномасини Кадрлар бошқармасига қайтариш шарт.

3.13. Суд ходими ўзига маълум бўлган конфиденциал (ошкора қилинмайдиган) маълумотларни (суд ишларига, судьялар ва суд ходимлари фаолиятига оид, фуқароларнинг шахсий ҳаёти ва соғлиғи ёки шаъни ва кадр-қимматига оид маълумотларни ва ҳоказолар) ошкор қилишга ёки улардан хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланишга ҳақли эмас.

Ҳар бир суд ходими хизмат бўйича конфиденциаллик бузилганлиги ҳақида бевосита суд раҳбариятига хабар қилишга мажбур.

Зарур ҳолларда, суд ходими қайси маълумотлар конфиденциал эканлиги ёки қайси ҳужжат ва материалларни конфиденциал деб топиш кераклиги ҳақида тушунтириш сўраб, раҳбариятга мурожаат этиши лозим.

3.14. Суд ходими хизматга оид маълумотларни тақдим этиш бўйича белгиланган қоидаларга амал қилиши шарт.

Суд ходими қуйидаги маълумотларни тақдим этишларга ҳақли эмас:

суднинг иш юритувида бўлган ишларнинг мазмуни ҳақида оммавий баёнот беришга;

суд қарорларини шарҳлашга, уларни шубҳа остига олишга;

судья ва суд ходимларининг профессионал фаолиятини танқид қилишга;

давлат органлари, уларнинг раҳбарлари, шу жумладан суднинг фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали фикр билдиришга, муҳокама қилишга ва баҳо беришга.

3.15. Суд ходими тегишли хизмат вазифаларини бажариш жараёнида касбий маҳоратини ошириб бориши ва хизмат поғонасида ўсишга интилиши шарт.

3.16. Суд ходимларининг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни муҳокама қилишга йўл қўйилмайди. Бундай хулқ-атвор ва гап-сўзларни қувватламаслик ҳар бир ходимнинг мажбуриятидир.

3.17. Суд ходими ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, техника хавфсизлиги талабларига ва санитария-гигиена нормаларига риоя қилишга мажбур, суд биносига ёнғин хавфини келтириб чиқарувчи воситаларни олиб келиш, стандартга мос келмайдиган электр ва иситиш ускуналаридан фойдаланиш таъқиқланади.

Суд биносида чекиш учун махсус жиҳозланмаган ва ажратилмаган жойларда чекиш ва маст ҳолатда бўлиш таъқиқланади.

IV. СУД ХОДИМИГА ХИЗМАТ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИДА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Суд ходими хизмат вақтидан ташқарида жамиятда мавжуд ахлоқ-одоб қоидалари умумий принципларига риоя қилиши шарт.

4.2. Суд ходими ўз ташқи қиёфаси сиполиги ва камтарлиги билан ажралиб туриши лозимлигига эътибор бериши шарт. У ортиқча дабдабали кийим киймаслиги, тақинчоқлар ва безаклар тақмаслиги керак.

4.3. Суд ходими, кимгадир нисбатан бўлмасин, суд ходими деган номга доғ тушириши мумкин бўлган қўпол хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

4.4 Суд ходими дўст ва танишлар танлашда эҳтиёткор бўлиши, ўз номига доғ тушириши мумкин бўлган алоқалардан тийилиши керак.

V. СУД ХОДИМИНИНГ ҚОНУНЛАР ВА МАЗКУР ҚОИДАЛАР ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Суд ходими томонидан ўз вазифаларини виждонсизлик билан бажариши ёки берилган ҳуқуқлардан четга чиқиши, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларини бузиши, ҳуқуқбузарлик оғирлиги даражасидан келиб чиқиб, интизомий хатти-ҳаракатлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида квалификация қилиниши мумкин.

5.2. Қонунлар ва мазкур Қоидалар талабларини бузганлик учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларида белгиланган доира ва тартибда амалга оширилади.

5.3. Олий суд Кадрлар бошқармаси ва қуйи судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари ушбу Қоидалар талабларига риоя қилинаётганлиги устидан доимий мониторинг олиб боради ва аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли таъсир чораларини қўллаш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритади.